

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЗАФФАРОВ ФИРУЗ ДАВРОНОВИЧ

**ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ИНСОН ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИНИНГ
ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

09.00.03 – фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Музаффаров Фируз Давронович

Газзолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий асослари5

Музаффаров Фируз Давронович

Научно-философские основы учения Газзали о человеке.....19

Muzaffarov Firuz Davronovich

Scientific philosophical basics of the teaching of Ghazzali on human37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications

Список опубликованных работ41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЗАФФАРОВ ФИРУЗ ДАВРОНОВИЧ

**ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ИНСОН ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТИНИНГ
ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

09.00.03 – фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fa133 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси samdu.uz манзилига ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврўзова Гулчеҳра Нетьматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиев Рустам Тоҳирович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Зоҳидов Абдуқодир
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15,. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертацияси билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№38-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ да _____-рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Қ.Н.Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқларининг маънавий ахлоқий қиёфасини шакллантиришда Шарқ халқлари фалсафий тафаккури алоҳида ўрин тутди. Шарқ мутафаккирлари, хусусан Ғаззолийнинг антропологик таълимоти, унда инсон борлигини чуқур таҳлил этилиши фуқароларни, айниқса, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтиришда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» ва «ахлоқий нигилизм» каби иллатларга қарши курашда Ғаззолийнинг илмий мероси назарий-методологик, ғоявий-мафкуравий, диний-маърифий жиҳатдан аҳамиятлидир.

Жаҳон илм-фанида антропологик йўналишдаги фалсафий тадқиқотлар асосида персонализм, антропоцентризм, космоцентризм, социоцентризм каби назария ва концепциялар, инсон ва жамият ҳақида теологик қарашлар ривожланиб, уларда инсон моддий ва номоддий оламига нисбатан субстанционал, релятивистик ёндашувлар устувор аҳамиятга эга. Хусусан, Ғаззолий фалсафасида инсон маънавий-руҳоний ва био-ижтимоий оламдан иборат мураккаб феномен сифатида ўрганилиши жаҳон фалсафий-антропологик таълимотида инсон тўғрисида янги бир бутун таълимотни вужудга келтирган. Зеро, бугунги ижтимоий тараққиёт инсоннинг маънавий-руҳий, ижтимоий қиёфасига таъсири инсон маънавий борлигини бир бутун, яхлит тизим сифатида ўрганиш заруриятини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-назарий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Шунинг учун «биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз»¹. Бу борада Ғаззолийнинг жаҳон миқёсида эътироф этилган ёшлар тарбиясига оид соғлом эътиқод, юксак маънавият, ирфоний тафаккур, комил инсонни тарбиялаш каби ғояларининг мазмунини илмий-назарий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2995-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

¹Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // - Тошкент, 2017. Халқ сўзи. № 196 (6860).

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари томонидан Ғаззолийнинг ҳаёт йўли ва фаолияти маълум даражада ўрганилган. Унинг фалсафий-теологик, ижтимоий-ахлоқий ва педагогик қарашлари умумий таҳлил қилиб чиқилган.

Мутафаккир ҳақида ёзилган илмий адабиётларни тўрт қисмга ажратиш мумкин. Булар: Ғаззолий ҳақида маълумот берувчи асосий биографик манбалар, аллома ижоди ҳақида маълумот берувчи бирламчи манбалар, аллома ижодига қаратилган махсус диссертацион тадқиқотлар ҳамда у ҳақида ёзилган монографиялар.

Асосий биографик манбаларга Ибн Асакир (499-591 х.й), Абулфараж ибн ал-Жавзий (508-597 х.й), Шамсиддин Абул Аббос Аҳмад ибн Холлиқон (608-681 х.й), Тош Кубраода (962 х.й. ваф. этг), Муртазо Зубайдий (1145-1205 х.й.) ва бошқалар томонидан ёзилган асарларни киритиш мумкин. Улар ўз асарларда Ғаззолий ҳаёт йўли ҳамда қарашларидаги асосий жиҳатларни таҳлил қилганлар.

Бирламчи манбаларга Ал-Рифаъий Аҳмад Фариднинг «Ал-Ғаззолий» номли асари эътиборга молик.¹

Диссертацион ишларга Миср файласуф олими Сулаймон Дунёнинг «Ғаззолий назариясининг ҳақиқати», Ироқ олими Абу Свай Мустафо Маҳмуднинг «Ирсий келиб чиқиш Ғаззолий эпистемологиясида», Эрон файласуфи Салама Давид Доумит Абдонинг «Ислом анъаналари, айниқса Ғаззолий таълимотида эътиқод ва сабаб», АҚШ файласуфи Аданали Аҳмед Ҳодининг «Диалектик методология ва унинг танқиди: Ғаззолий муаммонинг реал ечими сифатида»², Саййид Муҳаммад Фазлхошимийнинг «Ўтиш ва давомийлик: Ал-Ғаззолийнинг сиёсий йўқотиши», Абдул Саттор Тавфиқ Қосимнинг «Ал-Ғаззолийнинг ахлоқ назарияси ва унинг сиёсатга аралашувида Платон илдизлари», Латефаҳ Алкандерининг «Исломда таълим: Ислом оиласида таълим-тарбия масалаларида устоз-шогирд муносабатлари Ғаззолий мисолида», турк шарқшуноси Мубохат Туркернинг «уч раддия» нуқтаи назаридан фалсафа ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатлар», Рус шарқшуноси М.М. Жанабининг «Ғаззолийнинг илоҳиёт фалсафаси», тожик файласуфларидан З.М. Диноршоеванинг «Муҳаммад Ғаззолий ва унинг фалсафага муносабати», А.А. Шамоловнинг «Ғаззолийнинг фалсафий-теологик қарашлари» каби тадқиқотларни кўрсатиш мумкин.

Аллома ҳақида ёзилган монографиялардан Миср файласуфи Абду Раҳмон Баъдавийнинг «Ғаззолий асарлари», «инсон ва унинг араб

¹Ahmed Ferid Rifai (Dr.): El-Gazali. Misir.1936-1937. 3 Cilt, 1. C. 309+10 S; 2. C. 223+7 S; 3. C. 305+6 S.

²Adanali Ahmet Hadi. Dialectical Methodology And Its Critique: Ghazali As A Case Study (Islamic, Argumentation). The University Of Chicago, 1995.- 195 Pp.

тафаккуридаги моҳияти»¹, Эрон файласуф олими Жалолоддин Хумоюннинг «Ғаззолийнома», яна бир Эронлик файласуф олим Абдулҳусайн Зарринқубнинг «Мадрасадан қочиш: Имом Ғаззолийнинг ҳаёти, фикрлари ва асарлари» кабилар диққатга сазовор. Ушбу муаллифлар, мутафаккир давридаги ижтимоий-сиёсий шароит муаммоларини ёритиб, уларнинг аллома ҳаёти ва ижодига таъсирини кўрсатиб ўтади ҳамда Ғаззолийнинг фалсафа, сиёсат, ахлоққа бўлган муносабатини таҳлил қилиб, аллома асарларининг мусулмон дунёси фалсафий тафаккурида катта роль ўйнаганини исботлаб беришган.

Мустақиллик йилларида Ғаззолий ижоди ва маънавий меросини ўрганиш, уни кенг оммага етказиш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилди. Бунда энг аввало Ғаззолий асарларини араб, форс ва турк тилидан ўзбек тилига таржима қилиб нашр этилганлиги эътиборга моликдир.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида мутафаккирнинг баъзи бир ғоялари ўзбек файласуф олимларидан: М.Н. Болтаев, Г.Наврўзова, Ҳ. Саломова, Р.Т.Шодиев, А.Зоҳидов, Н.Сафарова, филолог олимларидан Н.Комилов, И. Ҳаққул, Ш. Сирожиддинов, Ҳ. Ҳомидий, шарқшунос олимлардан М.Қодиров ва Р. Исоқжонов томонидан таҳлил қилиниб, ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда масала моҳиятининг баъзи жиҳатларигина фалсафий таҳлил қилинган. Бироқ, Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги таълимоти яхлит тадқиқ этилмаган. Диссертацияда мазкур муаммо тарихий-фалсафий тадқиқ этилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғаззолий асарларида инсон ҳақидаги таълимотининг ҳозирги давр илмий-назарий ва маънавий-маърифий қарашларидаги аҳамиятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ғаззолийнинг ҳаёти, ижоди ва дунёқарашига таъсир қилган тарихий-маданий ва ижтимоий омилларни ўрганиш;

Ғаззолий таълимотида инсон тушунчасининг моҳиятини очиб бериш;
мутафаккирнинг комил инсон тарбияси ҳақидаги ғояларини ҳозирги кунда баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятини очиб бериш;

Ғаззолийнинг «Ихёу улуми-д-дин» «Кимиёи саодат» «Мишкоту-л-анвор» асарларини таҳлил қилиш асосида антропологик ва гносеологик ғояларини очиб бериш ва шу орқали мутафаккир меросининг фалсафий аҳамиятини кўрсатиш;

Ғаззолийнинг маънавий-ахлоқий қарашларининг ёшларда ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятини очиб бериш.

¹Абдурахман Бадави. Му’аллафат ал-Газали. Кувайт. Ваколат ал-Матубат, 1977. – 567 с. Абдурахман Бадави. Ал-’инсāнийя ва-л-вуджудийя фи-л-фикр ал- ‘арабийя. Каир, Дарасат исломийя, 1947. – 199 с.

Тадқиқотнинг объекти Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги қарашлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий асосларини тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тизимли ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик ва ворисийлик, анализ ва синтез, илмий холислик, таққослаш ва умумлаштириш каби тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ғаззолийнинг инсон камолоти ҳақидаги «комил инсон», «улуғ инсон», «фозил инсон» ҳақидаги қарашлари ва «мувоқабат», «шикаста-нафслик», «пок қалб» ва «фаҳм-идрок» каби комил инсоннинг сифатлари ҳозирги давр ёшлар тарбиясига таъсири кўрсатиб берилган;

Ғаззолийнинг инсон билиш фаолияти ҳақидаги таълимоти ақл, ҳис-туйғу, рационал тафаккур, илмни эгаллаш ва унга амал қилиш каби тушунчалар орқали очиб берилган;

Ғаззолийнинг «Ихёу улуми-д-дин» асаридаги маънавий-руҳоний, диний-ирфоний қарашлари «оммавий маданият» ва турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда мустаҳкам иммунитетни шакллантириши асосланган;

Ғаззолий асарларидаги хурфикрликка, илмни бўлишга чорловчи ғоя ва фалсафий қарашлари диний ақидапарастлик, экстремизм ғояларига қарши курашувчанлик хусусияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«инсон тушунчаси» тарихий-фалсафий ёндашув асосида тадқиқ этилган, унга янги таъриф ва тавсиф берилган;

Ғаззолийнинг маънавий меросидан ижтимоий фанлар, хусусан фалсафа, ижтимоий ҳаёт ва дин, ислом фалсафаси, тасаввуф каби фанлар учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган;

Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий қарашлари асосида қилинган хулосалардан тасаввуф илмий мактаби ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

тадқиқот натижаларидан «буюк алломаларимиз машҳур асарларининг қисқача шарҳи ва мазмунини очиб берувчи мобил илова яратиш ва ишга тушириш»да фойдаланилган;

инсон тарбиясида қалбга махсус эътибор қаратиш, уни соғломлаштириш, у орқали ҳар бир шахснинг «мен» лик туйғусини тўғри шакллантириш илмий-фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, усуллар ва илмий маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва у ҳақдаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда амалга оширилган фалсафий таҳлиллар ва улар асосида чиқарилган хулосаларнинг илмий аҳамияти шундаки, миллий тараққиёт ва баркамол авлод тарбияси учун буюк алломаларнинг маданий-маънавий ҳамда илмий-назарий мероси муҳим ўрин эгаллайди. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги қарашларини тадқиқ этиш, инсон ҳақидаги ғояларнинг генезиси эволюциясини англашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ғаззолийнинг илм ўрганиш, покланиш, нафсни тийиш, тўғрисиўзлик, одамийлик, бағрикенглик, ҳалол ризқ топиш ҳақидаги фикрлари миллий ғояни кишилар онгига сингдиришда назарий манба бўлиб хизмат қилиш билан биргаликда, инсонни ўзини англашга ва ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам беради. Ғаззолийни инсон ҳақидаги қарашларининг турли жиҳатлари бўйича келажакда амалга оширилиши зарур бўлган тадқиқотлар учун маълум илмий аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий асосларини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

тадқиқот натижалари ёшларга миллий ўзликни англаш, ўз-ўзини билишни ўргатиш ва уларнинг баркамол бўлиб камол топишлари учун экспозицияларнинг экскурсия матнларини ва этикетларини янги маълумотлар билан бойитиш асосида Бухоро давлат музей – кўриқхонаси, Арк ўлкашунослик музейида амалиётга тадбиқ этилди. (Маданият вазирлигининг 2017 йил 27 октябрдаги 01-11-08-5280–сон маълумотномаси). Ушбу илмий тадқиқот натижалари Бухоро давлат музей кўриқхона «Ҳужжатлар ва фонотека» фондини бойитган;

тадқиқот илмий натижаларидан ёшларнинг илмий ва бадиий китобларни, шу жумладан электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ҳамда ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш йўналиши доирасидаги тадбирларни кучайтиришда фойдаланилди. (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 6 ноябрдаги 0413/5755 – сон маълумотномаси). Бу натижалар ёшларда миллий кадриятларимизга бўлган эътиборни янада кучайтиришга ва уларни бу борадаги билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилган;

тадқиқотнинг илмий-маърифий, фалсафий маълумотларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон «Буюк алломалар адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини тарғиб этиш тўғриси»ги Қарори ижроси бўйича мақсадли тайёрланган «Ғаззолий инсонга оид таълимотининг илмий-фалсафий асослари», «Муҳаммад Ғаззолийнинг тасаввуфий ахлоқ фалсафаси» номли рисола ва монографияларда, шунингдек, Бухоро вилоятидаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси қошида илк бор очилган «Тасаввуф» илмий мактабининг ўқув

дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 23 ноябрдаги 6358-сон маълумотномаси). Натижада Ғаззолийнинг антропологик таълимоти ва унинг умумтасаввуфий моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси, умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссасига алоқадор шу вақтгача номаълум бўлган жиҳатларни тўлдиришга хизмат қилган.

тадқиқот натижаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг «2018 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури»нинг VII боб «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари» 55-банди «Буюк алломаларимиз машҳур асарларининг қисқача шарҳи ва мазмунини очиқ берувчи Мобил илова яратиш ва ишга тушириш»да кенг фойдаланилган. (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 14 январдаги 02/09-31-19-сон маълумотномаси). Натижада ёшларда миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик туйғуларининг ривожланишида, огоҳлик, ҳушёрлик каби комил инсон мезонларини шакллантиришда ижобий таъсири эътироф этилган.

Тадқиқотнинг илмий-назарий хулоса ва ечимлари Республика миқёсида ўтказилган қатор илмий-амалий конференцияларда баён этилган ва илмий мақола, тезислар шаклида эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 13 та мақола (4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққизта мавзуни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 164 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби «Имом Ғаззолий шахси ва дунёқараш тадрижатида эврилиш ва комиллик даврлари» деб номланиб, унда Ғаззолийнинг ҳаёт йўли ва руҳий камолоти, Ғаззолий меросида комил инсон муаммоси ва Ғаззолийда комиллик ва консенсус зарурияти масалалари таҳлил этилган.

Ғаззолий ўз ҳаёти ва фаолияти ҳамда шахсияти билан фалсафа тарихига сезиларли даражада таъсир этган буюк донишманд ва ажойиб ҳаким сифатида ислом фалсафасининг ривожланишида унутилмас ва абадий сўнмас из қолдирган. Унинг ҳаёт йўли Аббосийлар халифалиги ва Салжуқийлар султонлигининг мураккаб даврларидан бири XI асрнинг иккинчи ярми XII аср бошларига тўғри келади. Бу даврда сунний ислом дунёсининг етакчилигини Аббосийлар халифалиги (750-1258) ва Салжуқийлар султонлиги (1040-1157) юритган. Салжуқийлар давлатининг иқтисодий соҳадаги фаровонлиги, вазир Низом ул-мулкнинг илм аҳллари химоя қилиши ва Низомия мадрасасининг қурилиши ҳамда мазкур маданий сиёсат натижасида Хуросон ва Ироқда бир қанча алломалар етишиб чиқди. Ғаззолий шу даврда ўртага чиққан энг машҳур ва буюк олимлардан биридир.

Ғаззолий яшаган даврда жамиятда турли хил ғоялар ва фалсафий оқимлар мавжуд эди. Бу ғоявий мактабларнинг хилма-хиллиги туфайли аллома уларга шубҳа билан қараб, тасаввуф таълимотининг уларга нисбатан устунлигини ҳаётий тажрибалари орқали асослаб берган. Маълумки, тасаввуфий ҳаракатлар Шарқ фалсафий тафаккурида салафий, сунний ва фалсафий тасаввуфга ажратилади. Мутафаккир фалсафий тафаккур ёрдамида шариат билан тасаввуф ўртасидаги муносабатни уйғунлаштириб, меъёрга солди ва шу тариқа Хорис Муҳосибий ва Жунайд Бағдодий билан шаклланган сунний тасаввуфни такомилга олиб чиқди. Бунда Ғаззолийнинг муҳожирликда ўтказган йиллардаги руҳий камолот йўлидаги изланиш натижалари ўз таъсирини кўрсатди.

Ғаззолий яшаган даврда мутакаллимлар, мўътазилийлар, ботинийлар ва шу даврдаги энг хавфли оқим исмоилийлар бўлиб, улар Салжуқийлар ҳукуматига ва ислом динининг бирлигига раҳна солаётган эди. Тарихий даврнинг ўзи бу оқимлар қарашларини таҳлил қилиш ва исломнинг софлигини сақлаш учун кенг таъсир доирага эга бўлган кишига эҳтиёж сезди. Айнан шу киши Ғаззолий бўлди.

Аллома камолотга эришган инсонни олимлар сифатида гавдалантиради ва унга асос сифатида инсон илм билан шарафли эканлигини исботлаб, уларни тана, ақл, нафс, руҳини меъёрида камолотга етказган инсон сифатида таҳлил этади.¹ Комил инсонларга хос аломатлар ичида энг муҳими деб мужоҳада, мууроқаб, яқийн, шикаста-нафслик, пок қалб, басират ва фаҳм-идрок ҳамда тақлид қилмасликни айтади.

Ғаззолий таълимотида комиллик Аллоҳни англаб етишдан иборат. Айнан шу нарса инсон мавжудлигининг мазмунини ташкил этади. У илмга инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини белгиловчи асосий мезон сифатида қараб,

¹Имом Муҳаммад Ғаззолий. Ихёу улумиддин. Қўлёзма. 1-жилд. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 462. – В. 6.

илм олиш орқали камолотга эришишни иккки хил йўл зоҳирий (рационал) ва ботиний (иррационал) билиш билан амалга ошишини асослаб берган.

Мутафаккир комиллик даражасига эришишни узоқ ва оғир жараён деб ҳисоблайди. Инсон бунда ўзини танқидий нигоҳ билан кузатиши, устозларнинг ёрдамига таяниб, шариат қоидаларига қатъий амал қилиши лозимлигини уқтиради. Унинг қарашларида камолотга элтувчи ҳатти-ҳаракатлар, мезоний ахлоқий тушунчалар Куръон ва ҳадисларда келтирилган кўрсатмаларга амал қилиш билан белгиланади.

Ғаззолий калом, тасаввуф, ботиний-таълимийлар, табиатшунос файласуфлар, ҳикмат аҳллари, фалсафа вакиллари қарашлари, таълимотларининг кескин танқид қилувчисигина эмас, балки XII асрга келиб маънавий парокандаликка учрай бошлаган «ижтиҳод эшиклари беркитилган» бу диний, сиёсий-мафкуравий янги тараққиёт йўллари, усулларини топа олмай қолган мумтоз ўрта аср араб-мусулмон жамиятини ана шу парокандалик, қарахтлик ҳолатидан олиб чиқиш, тараққиёт йўлларини кўрсатиб бериш мақсадида деярли барча диний-ирфоний, каломий, илмий-фалсафий эътиқодлар, таълимотлар вакилларини мазкур қарахтликдан чиқиш йўлига бошлаш – «янги калом» номидан таклиф этган «Муросаи-мадора» (Consensus) йўлини ижтиҳод йўли билан топган мужтаҳид сифатида майдонга чиққан эди.

«Имом Ғаззолийнинг комил инсон ҳақидаги таълимотининг антропологик-асабиёна асослари» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида инсон вужуди (борлиғи) ва руҳи узвийлиги, инсон ўзлиги (нафси) муаммоси ва уни тарбиялаш йўллари ва қалб (юрак)нинг табиий-тарихий таърифи ва амалий, ахлоқий-фалсафий функцияси масалалари таҳлил этилган.

Ғаззолий маънавий меросида инсон мураккаб феномен бўлиб, унда борлиқдаги барча кўринишлар мужассам. Шу сабабли мутафаккир «...балки тани одамй, бо мухтасари вай, мисоле аст аз ҳама олам, ки аз ҳар чи дар олам офаридааст, андар вай намудгоре аст»¹. Яъни, инсоннинг бадани, оламнинг бир намунаси, мухтасаридир. Оламда яратилган ҳар нарсанинг инсонда бир намунаси бор», дея қайд этади. Аллома эътирофига кўра, инсонда мукамаллик мавжуд бўлиб, бу хислати уни комиллик даражасига етказди. У ўз қарашларида инсоннинг зоҳирий ва ботиний томонлари мавжудлигини таъкидлайди. Инсонни яхлит билиш, тизимли ўрганиш учун унинг ҳам ташқи, ҳам ички томонларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш лозимлигини уқтиради. «Кимиёи саодат» асарида: «ўзингни танимоқ, билмоқ истасанг, икки нарсдан яратилганлигингни билгин. Бири зоҳирий қолип. Бу бадан дейилади. Кўз билан кўрса бўлади. Бошқаси ботин маъносидадир. Унга нафс ва жон дерлар, руҳ дерлар, қалб дерлар. Бу фақат ҳақиқат кўзи билан кўрилади. Зоҳирий кўз билан кўрилмайди²». Демак, инсоннинг ҳақиқати,

¹ Хужжат ул-Ислом имом Муҳаммад Ғаззолий. Кимиёи саодат. Қўлёзма. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 527. – В. 45.

² Хужжат ул-Ислом имом Муҳаммад Ғаззолий. Кимиёи саодат. Қўлёзма. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 527. – В. 24.

асли бу ботин маъносида бўлиб, ундан бошқаси унга тобедир. У тана ва руҳнинг бир-бирига узвий боғланганлигини, бир-бирини тақозо этишини асослаб беради. Мутафаккир инсон тана эҳтиёжларига қул бўлиб қолмасдан уларни руҳ эҳтиёжларига бўйсундириши лозим, деб кўрсатади. Агар у тананинг ўткинчи майл ва эҳтиросларига боғланса инсонийликдан четга чиқади.

Инсон тана ва руҳнинг уйғунлигидан иборат бўлгани ҳолда тана майллари, хоҳиш истаклари, эҳтиёжлари кўпинча руҳ майл ва эҳтиёжлари устидан ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилади. Инсон нафсга вужуди билан боғланган бўлиб, бу боғлиқликда, нафс меъёрида бўлса, зарурий ҳисобланади ва инсонга ёрдам беради. Аммо, аммора нафс меъёридан ошган бўлиб, инсонни залолатга етаклайди. Ғаззолий аммора нафсни инсоний нуқсонларнинг, маънавий-ахлоқий тубанлашувнинг манбаи сифатида қараб, уни ич душмани деб ҳисоблайди. У ўзининг мулоҳазаларида инсон нима учун нафсга берилиш сабабларини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади.

Аллома нафс масаласи ҳақида фикр юритар экан, меъёрга махсус эътибор қаратади. Унингча, нафсни жиловлашда ақл қўллайдиган энг самарали қурол сабр-қаноатдир. Ҳар қандай ижтимоий қийинчиликлар, жисмоний азоб-уқубатлар, руҳий тушқунликларнинг давоси ва бартараф этиш воситаси сабр-тоқат ва қаноатдир. Сабр-тоқат туфайли жисмоний азоб-уқубатлар лаззатга айланади, ижтимоий нуқсонлар бартараф бўлади. Сабр ва қаноат инсонни соғломлаштиради. У сабрнинг моҳиятини тушунтирар экан, сабр давоси ва унга нималар ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида ҳам ўзига хос қарашларни илгари суради. Унингча, сабр гарчи қийин ва машаққатли бўлсада илм ва амални умумлаштириб, уни ҳосил қилиш мумкин. Нафснинг шахвоний ҳавасларини очлик йўли билан тарбиялаш мумкинлигини таъкидлайди. Шунингдек, нафс тарбиясида оила масаласига ва ундаги тарбияга алоҳида эътибор қаратади. Инсон ўз характерини тарбиялаб бориши жараёнида ахлоқи ҳамидага эришишига ва шунга таянган ҳолда, оилада болани яхши ахлоқли қилиб тарбиялаш лозим, деб ҳисоблайди.¹

Мутафаккир нафснинг ҳолатига қараб инсонларни тўрт табақага бўлади: 1. Нафси мутмаина даражасида юксалган инсон. 2. Нафси мулҳима даражасидаги инсон. 3. Лаввома нафси даражасидаги инсон. 4. Аммора нафс ҳукмидаги инсон. Унинг мулоҳазаларига кўра, ҳавойи нафсга берилмаслик ва унинг орзуларидан воз кечиш учун инсон лоқайдликка ёт дунёқарашга, ёлғонсиз ҳақиқатга, эрмасиз ҳаётга, шикоятсиз, ноласиз сабрга, қатъий ниятга эга бўлиши лозим. Бу ғояларнинг ҳозирги кун учун аҳамияти эса бекиёсдир.

Ғаззолий инсон ўзлигини англашда асосий тушунча қалб деб ҳисоблайди ва «...қалбу хувал оламу биллаҳи»², яъни қалб Аллоҳ томонидан яратилган бир оламдир, деб ёзади. Ушбу тушунчани икки хил маънода ишлатади. Биринчиси моддий юрак. Иккинчиси маънавий қалб. У ўз

¹Имом Муҳаммад Ғаззолий. Ихёу улумиддин. Қўлёзма. 3-жилд. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 462. – В. 45.

²Имом Муҳаммад Ғаззолий. Ихёу улумиддин. Қўлёзма. 2-жилд. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 462. – В. 2.

қарашларида қалбни маънавий борлиқ бўлсада, моддий юрак билан боғлиқ маънода тушунган. Қалб бутун инсон танасини бошқаради ва бу бошқаришга ёрдам берувчи қувватларни аскарлар тушунчаси билан изоҳлайди. Зоҳирий аскарларни қўл, оёқ, кўз, кулоқ ва тилдан иборат деб, ботиний аскарларни эса ирода, қудрат ва идрок деб тушунтиради. Бу ботиний аскарларнинг ҳар бири билан зоҳирий аскарлари ҳам борлигини, улар ёғ, гўшт, пай, қон ва суяклардан таркиб топган аъзолар эканлигини таъкидлайди.

Аллома идрок этувчи аскарларни ҳам икки қисмга бўлади: Биринчиси-зоҳирий манзилга ўрнашган – эшитиш, кўриш, ҳидлаш, татиш ва ушлашдан иборат сезги аъзолари. Иккинчиси ботиний манзилга ўрнашганлари – мия бўшлиқлари бўлиб, улар – ҳиссиёт, хаёлот, фикрлаш, эслаш ва ёдлашдир. Ғаззолий қалбни борлиқни тажаллий этишини турли-туман нарсаларнинг суратларига боғлиқ ойнага ўхшатади. Қалбнинг юксаклигини илм ва қудрат сабаби билан боғлайди. У ўзининг ирфоний-фалсафий қарашларида инсон яхшиликни севадиган ақл ва ёмонликни севадиган ҳавойи нафс орасида тўқнашганлиги боис қалбни – стратегик бир нуқта деб ҳисоблайди¹. Демак, стратегик нуқта бўлган қалбҳолатига аҳамият бериш лозим.

Мутафаккир қалб сифатларининг камолотини ва унинг ҳар хил касалликлардан холи бўлишини диний илмларда эканлигини айтиб, ақлий илмларни озуқага ва шаръий илмларни дориларга ўхшатади. Инсон камолотини қалб покланиши билан боғлаб, ўз қарашларида қалб холи, ҳаёти, ҳақиқатлари, камолотга етиш сир-асрорлари тўғрисида кенг баҳс юритган. Буюк олимнинг қалбга доир фикр-мулоҳазалари қалб ва билим тўғрисидаги тасаввурларни ниҳоятда кенгайтириш билан бирга, қалб тарбияси йўллари ҳам ўргатади. Бу эса комил инсон тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга.

Аллома ўзининг антропологик таълимотида вужуд ва руҳ ўртасидаги муносабатни уйғун ҳолда қараб, инсон камолотида уларни зарурий жиҳат сифатида таҳлил этади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ғаззолийнинг комил инсон концепциясининг шаклланишида гностицизм-ирфоний билишнинг ўрни»** деб номланиб, унда Ғаззолий рационализи, билиш назариясининг ўзига хослиги, Ғаззолий гностицизми-ирфоний билиш назарияси ва илмлар таснифи принципларининг комил инсон таълимотини ишлаб чиқишдаги методологик ўрни ва «Мишкот ал-анвор»нинг тасаввуфдаги «Комил инсон» концепциясини ишлаб чиқиш, талқин этишдаги ўрни, ўзига хослиги масалалари таҳлил этилган.

Ғаззолий ўзининг гносеологик қарашларида ақл ва тафаккурга кенг аҳамият қаратган. У «Ихёу улуми-д-дин» асарида ақлни икки маънода изоҳлаб, тўрт қисмга ажратади. Биринчиси ашённинг ҳақиқатини билиш, иккинчиси қалбдаги илм сифати билан бир хил нарса. Ақлнинг биринчи қисми – инсонни ҳайвонлардан ажратиб турадиган сифат. Бунда инсон назарий илмларни ўрганишда тайёр ҳолга келади. Бу ҳолат ақл воситасида бўлиб, инсонда илм майдонга келади ҳамда унинг ҳатти-ҳаракатлари

¹Imâm Gazzâlî. Minhâcü'l-âbidîn (Âbidler Yolu). İstanbul: Yaylacık Matbaası, 1976. – Б. 92-93.

уйғунлик ҳолатига мос бўлади. Ақлнинг иккинчи қисмини – илмларни идрок қилувчи қувват дейди. Учинчи қисми – тажрибалардан ҳосил бўлган илм.¹ Тўртинчи қисми – ақлнинг бир даража юксалган шакли бўлиб, бунинг воситасида ишларнинг натижаси англанади. Ғаззолийнинг ақл тўғрисидаги қарашлари рационаликка асосланади. Инсон фаолиятида ақлнинг ўрнини таҳлил этар экан, ақлнинг зарурий илмлардан бошқа барча қисмларида инсонлар орасида фарқ борлигини кўрсатади.

Имом Ғаззолий гносеологик дунёқарашининг ўзига хослиги назария ва амалиёт бирлигини эътироф этишидир. Мутафаккир эътирофига кўра, инсон назарий усулда ўзлаштириб олган билимларни амалиётга жорий этиши ва бу назарий илмлар албатта амалий аҳамиятга эга бўлиши керак. Ғаззолий инсон билиш қобилиятини изоҳлаб қуйидагича ёзади: «Қалбни идрок этмоққа, англамоққа эҳтиёжи бор. Бир қисми зоҳирийдир. Беш туйғу органлари бўлган кўз, бурун, қулоқ, тил ва қўл». Гносеологияда ҳам инсон билиши ҳиссиётдан бошланади. Нарса ва ҳодисаларни умумий тарзда билиш учун ақлий билиш, тафаккур қобилияти бўлиши шарт. Ғаззолий билишда зоҳирий идрокдан ташқари ботиний идрок мавжудлигини қуйидагича изоҳлайди: «...он низ панч аст ва манзилгоҳи он димоғ аст: чун қуввати хаёл ва қуввати тафаккур ва қуввати ҳифз ва қуввати тазаккур ва қуввати таваҳхум»². (Яъни, булар ҳам бешта ва ўрни димоғ: Хаёл қуввати, тафаккур қуввати, ёдлаш қуввати, хотирламоқ қуввати, ваҳм қуввати). Ғаззолий идрокнинг ботиний шакллари деб ҳисоблаган қуввати ҳифз – ёдлаш, эса сақлаш қобилияти ва қуввати тазкир – эса тушириш бўлиб, бу руҳий жараёнлар инсоннинг хотира қобилиятига тегишлидир. Қуввати таваҳхум эса нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билишга интилиш ҳисобланиб, инсондаги ҳиссий эмоционал кечинмалар билан боғлиқ бўлган руҳий жараёнлардир. Хотира, хаёл ва қуввати таваҳхум булар инсон билиши жараёнида муҳим объектив омиллар бўлиб, руҳият билан боғлиқ жиҳат ҳисобланади. Ҳозирги замон билиш фалсафасида ҳам хотира, хаёл ва ҳиссий эмоционал кечинмалар илмий жараёнда муҳим омил сифатида қайд этилади. Ғаззолий билишда ҳиссий, тафаккур ва руҳий эмоционал жиҳатларни бир-бири билан боғланганлигини асослаб берган. Унинг ақл тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳозирги замон гносеологиясида ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ғаззолий ўзининг ирфоний-фалсафий қарашларида инсон ўзини англаши, билиши учун тўққизта манзилни кўрсатади. Бу манзилларни тасаввуфий жиҳатдан тавба, сабр, шукр, хавф, ражо (умид), фақр, зуҳд, таваккул, муҳаббат, деб номлайди. Инсон ҳар бир манзилни босиб ўтгандан кейин, комилликка қараб, такомиллашиб боради. Унингча бу жараён руҳий тараққиётнинг натижаси ҳисобланади. Мутафаккир тасаввуфий муҳаббатни инсоннинг табиатидан келиб чиқиб, табиий асосларга эга ҳодиса сифатида қарайди. У томонидан ишлаб чиқилган бу манзиллар бошқа тасаввуф

¹Имом Муҳаммад Ғаззолий. Ихёу улумиддин. Қўлёзма. 1-жилд. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 462. – В. 56.

²Имом Хуччатулислом Зайнуддин Абўҳомид Муҳаммади Ғаззолий. Кимийи саодат (Цилдҳои I ва II). Техрон: Интишороти “Суруш”, 1999. – Б. 27.

намоёндалари томонидан таклиф қилинган манзиллардан фарқ қилади. Унинг қарашларига кўра, инсон ҳар қанча маънавий покланмасин у ҳеч қачон идеал ва юксак ахлоққа айлана олмайди.

Ғаззолий маънавий меросида илмларга руҳий ва амалий нуқтаи-назардан қараган. Унинг илмлар таснифида ақлий илм моҳият эътиборига кўра, оддий бўлиб, мураккаб илм ундан туғилади. Мураккаб илмни ботиний илм, деб ҳисоблайди. Бу илм бошқа барча илмларни ўз ичига қамраб олади. Ғаззолий ақлни инкор этмайди. Бироқ ақл дунёвий билимлар, далил билан исботланиши мумкин бўлган билимлар учун, деб кўрсатади. Ақлни ғайб илмини идрок этишда ожиз, деб ҳисоблайди. У ақлни ожиз деганда, заифликни эмас, балки нисбийлик ва чекланганликни назарда тутлади.

Аллома маънавий меросида, хусусан, унинг «Комил инсон» концепциясини ишлаб чиқишда «Мишкоту-л-Анвор» асарининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу асар Ғаззолийнинг ички дунёсини очиб берувчи ноёб асар ҳисобланади. Асар уч бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда Нурнинг Аллоҳ таолодан иборат бўлгани, бошқасига нур дейилишининг ҳақиқат эмас, фақат мажоз эканининг баёни таҳлилига қаратилган. Ғаззолий Худо мутлақ нур деган хулосага келишидан олдин, оташнинг нури, қуёшнинг нури, ақл, илм, Куръон, пайғамбарларга нисбатан нур номини қўллаш мажоз эканлигини таҳлил эта туриб, Аллоҳ таолонинг зоти фақат нур номига лойиқ эканлигини асослаб беради.¹

Асарнинг иккинчи бобини аллома «мишкот» (токча), «зужож» (шиша), «мисбоҳ» (лампа), «шажар» (дарахт), «зайт» (ёғ) баёни таҳлилига қаратган. Бу калималар нур оятида келган ташбихлар бўлиб, Ғаззолий буларни тасаввуфий жиҳатдан таҳлил этади. У токчани хассос руҳга қиёслайди. Бу руҳ ҳислардан келган маълумотларни оладиган бир руҳ бўлиб, сутдаги болада ҳам мавжуд. Шишани хаёлий руҳга қиёс этади. Хаёлий руҳ туйғулардан келган маълумотларни қайд этади ва ваколатида бўлган ақлий руҳга бериш учун сақлаб қўяди. Лампани ақлий руҳга қиёслайди. Ақлий руҳ эса, ҳис ва хаёл ташқарисида қолган маъноларни идрок этадиган руҳдир. Дарахтни фикрий руҳга қиёслайди. Бу руҳ фақат ақлий бўлган илмларни ўз ичига қамраб олади ва натижани бирлаштириб, бошқа натижани қўлга киритади. Ёғни қудсий пайғамбарлик руҳига қиёс этади. Ушбу руҳ воситасида раббоний билимларнинг бир қисми майдонга келади.

Асарнинг учинчи бобида Аллоҳнинг нур ва зулматдан иборат етмиш қаватли нур ҳижоби борлиги тўғрисидаги ҳадиснинг баёни таҳлилига қаратилган бўлиб, аллома бунда нур ва зулмат масаласини кенг ва атрофлича таҳлил этади. Мутафаккир мулоҳазаларидан шу нарса аёнлашадики, инсоннинг идроки ҳис-туйғу билан бошланади ҳамда ақл билан ниҳояланади. Ақл натижасида билиш жараёнлари кенгаяди. Аммо, пайғамбарлар ва махсус лаёқатга эга бўлган кишилар набийликнинг муқаддас руҳи деб аталган фазилатга эга бўлиб, унинг воситасида ҳаттоки қисман раббоний маорифдан ҳам огоҳ бўладилар.

¹Hüccetül-İslâm İmâm Gazâlî. Mişkâtü'l-Envâr (Nurlar Feneri) trc. Süleyman Ateş. İstanbul: Bedir Yayınları, 1994. - Б. 16.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий хулосаларга келинди:

1. Ғаззолий XI аср иккинчи ярми XII аср бошида яшаган, «Хужжат ал-ислом», «Шайх ул-ислом», «Олим ул-уламо», «Ворис ул-анбиё», «Саййид ул-мусаннифин», «Шараф ул-имомот», «Мужаддид-ад-дин», «Зайн ад-дин» каби номлар билан бутун дунё тан олган мутафаккирдир. Ғаззолий асарларининг таҳлили кўрсатадики, унинг қарашларида инсон масаласига махсус эътибор берилган.

2. Ғаззолий давр эҳтиёжига кўра ўртага чиққан буюк мутафаккирдир. У яшаган даврда турли хил диний-фалсафий оқимлар, асосан исмоилийлар ислом динининг бирлигига ва салжуқийлар давлатига таҳдид солаётган эди. Бу оқимлар қарашларини фош этиш учун фавқулодда истеъдодли, кенг таъсир доирага эга кишига эҳтиёж туғилди. Бу вазифани Ғаззолий бажарди.

3. Ғаззолий ўз таълимотида салафлар анъаналари, дунёвий ақлпарварлик тасаввуфий-ирфоний зоҳидликни бирлаштириш, уйғунлаштиришга интилиб, барчага маъқул келиши мумкин бўлган «Ислом дини, шариат» тизимини янгидан яратди.

4. Имом Ғаззолий «комил инсон» таълимотини ишлаб чиқар экан, аниқ ифодаланган ва изчил ўтказилган субстанционал концепция йўлини илгари сурган.

5. Ғаззолийнинг диний-ирфоний, диний-фалсафий ва бадий-ахлоқий қарашлари тизими аниқ ифодаланган ижтимоий-сиёсий йўналтирилган мазмунга эга бўлиб, бу ўзига хослик алломанинг «комил инсон» таълимотида катъий асос вазифасини ўтаган.

6. Ғаззолий таълимотида инсон илоҳий, башарий ва мутлақ бир мавжудликликни ўзида мужассам этган мураккаб феномендир. У ўзаро икки қарама-қарши кучдан таркиб топган. Инсон башарий ҳис, майл, эҳтиёжлар таъсирига тушиб, руҳ эҳтиёжлари билан қизиқмаса, нафс истакларидан вужуддаги фазилатлар барҳам топади.

7. Ғаззолий «комил инсон»ни тарбиялаш, шакллантириш – ана шу маънавий-руҳий бой оламни диний-фалсафий, тасаввуфий-ирфоний жиҳатларини наздий-илмий жиҳатдан исботлаб берди.

8. Ғаззолий «комил инсон» муаммосини очиб беришда шахснинг нафақат маънавий-руҳоний дунёси, диний-ирфоний олами балки одамдаги биологик-жисмоний антропологик асосларни, билимнинг ҳам рационал, ҳам ғайбий, иррационал имконият воситалари, усулларини олий такомилга эриштирмасдан вужудга келтириб бўлмаслигини кўрсатиб берди.

9. Ғаззолий фалсафа тарихида, асосан ислом фалсафасида, инсон камолотида руҳий тарбиянинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқди. Инсоннинг руҳи тарбияланмас экан, унинг қалби тубанликка юз тутади.

10. Ғаззолий ўз қарашларида аввал нафсни, кейин вужудни тозалашни тавсия этади. Агар инсон нафс ва унинг истаклари ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлмаса, руҳоний ҳаёт ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлолмайди.

11. Ғаззолий дунёни чуқурроқ билиш, рост ва ёлғонни хатосиз фарқлашда, ҳақиқатга элтувчи энг яқин ва тўғри йўл деб, қалбни (басират) назарда тутати. Унингча, қалб кўзи ақлдан юксак бўлиб, фавқулотда қудратга эга қувватдир.

12. Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг гносеологик моҳиятини ҳис-туйғу қудрати, ақл ва сезгини билиш ташкил этади.

13. Ғаззолий қарашларининг асосини инсон маънавий оламини поклаш ва уни такомиллаштириш ғояси ташкил этади. Унинг тарихий хизмати шундаки, инсон тўғрисидаги қарашларида, хусусан унинг ботинини тарбиялашда тасаввуф илмини ўрнини очиб бера олди.

14. Ғаззолий таълимотидаги илмлар таснифи XI – XII асрларда Ислом минтақасида илм – фан тараққиёти даражасини билишнинг манбаларидан биридир.

15. Ғаззолий умуминсоний, ахлоқий ва интеллектуал сифатларни ўз ичига олган комил инсоннинг илмий-назарий моделини ишлаб чиққан бўлиб, мазкур сифатларни замонавий «баркамол авлод» ни тарбиялаш концепциясига киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, қуйидаги **тавсияларни** беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Поклик учун тана ва руҳ муайян муштарақликда бўлиши лозим. Тана ва руҳнинг мўътадил бўлиш йўли ва воситалари ҳақида махсус услубий қўлланмалар тайёрлаш ва йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш зарур.

Нафс, унинг турлари, нафсни тарбиялаш йўли ва воситалари ҳақида махсус изланишлар олиб бориш зарур.

Инсон тарбиясида қалбни соғломлаштириш, уни тоза, пок, эзгу ният ва меҳр билан тўла бўлишини таъминлашга боғлиқ услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш. Қалб тарбиясига махсус эътибор қаратиш. Қалб орқали ҳар бир шахснинг «мен» лик туйғусини тўғри шакллантириш.

Ҳар бир ёш авлод ўзини англаши, ўз ҳис-туйғуларини бошқара билиши, ўз фикри, қиёфаси, қарашига эга бўлиши учун Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги қарашларидан баҳраманд бўлиши лозим. Ушбу мавзунини оммавий ахборот воситаларида кенгроқ ёритиш керак.

Ғаззолий каби инсонларни намуна қилиб, тарбия жараёнида ундан ибрат манбаи сифатида фойдаланиш мумкин.

Комил иймонни гўзал хулқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, Ғаззолийнинг инсон тўғрисидаги таълимотида хулқ ва ахлоқ масаласига доир ғояларини этика-эстетика, одобнома, маънавият асослари фанларида кенгроқ ёритиш керак.

Интернетда мавжуд бўлган Ғаззолийга оид сайтларни тизимга солиб, зиёнетда ижтимоий фанларга мўлжаллаб услубий қўлланма тайёрлаш.

Ғаззолийга оид инглиз, рус, турк, араб ва форс тилидаги асосий манбаларни таржима этиб, улар билан илмий жамоатчиликни таништириш.

Ғаззолий таълимотидаги инсон камолотига ёрдам берадиган барча бунёдкор ғояларни жамлаб китоб ҳолида нашр этиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.02.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МУЗАФФАРОВ ФИРУЗ ДАВРОНОВИЧ

**НАУЧНО-ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ
УЧЕНИЯ ГАЗЗАЛИ О ЧЕЛОВЕКЕ**

09.00.03 – История философии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fa133.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме) на веб-странице samdu.uz, по адресу www.ziyounet.uz информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный руководитель:

Наврзова Гулчехра Ньматовна
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шодиев Рустам Тахирович
доктор философских наук, профессор

Захидов Абдукадир
кандидат философских наук, доцент

Ведущая организация:

Наваинский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании ученого совета DSc.27.06.2017.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет Исторический факультет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №38). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(протокол рестра № ____ от «___» _____ да _____ 2019 года).

Б.О.Тураев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

А.Р.Самадов

Ученый секретарь научного совета, по присуждению ученых степеней, кандидат философских наук, доцент

К.Н.Назаров

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Философское мышление народов Востока занимает особое место в формировании духовного облика народов мира. Из восточных мыслителей, особенно антропологическое учение Газзали, предусматривает глубокий анализ человеческого существования, которые важны для духовного и нравственного развития граждан, особенно молодежи. В сегодняшнем процессе глобализации научное наследие Газзали имеет особое теоретически-методологическое, идеологическое, религиозно-просветительское значение в защите молодежи от таких пороков, как «духовная нищета» и «моральная развращенность».

В мировой науке философские исследования в области антропологии развивались на основе теорий и концепций, таких как персонализм, антропоцентризм, космоцентризм, социоцентризм и богословские соображения о человеке и обществе, и в них приоритетны субстанциональные, релятивистские подходы к материальному и нематериальному миру людей. В частности, изучение философии Газзали как сложного явления в духовно-нравственном, био-социальном мире создало совершенно новое учение о человеке в мировом философско-антропологическом учении. Действительно, влияние современного социального прогресса на духовно-нравственный, социальный облик человека свидетельствует о необходимости изучения духовного существования человека как единого целого.

В нашей стране продолжаются реформы, направленные на тщательное изучение и распространение научного и духовного наследия великих мыслителей, воспитание подрастающего поколения в духе благородных традиций. Необходимость повышения эффективности духовно-образовательных реформ требует качественно нового уровня работы в этом направлении. Поэтому, «бережно храня мудрость прошлых поколений, мы осознанно идём на решительные реформы, привержены формированию нового облика страны»¹. В этом отношении важно раскрыть научно-теоретическую сущность всемирно признанных идей Газзали о здоровых убеждениях, высокой духовности, священном мышлении и совершенном человеке в воспитании молодежи.

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и УП-5106 от 5 июля 2017 года «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности союза молодежи Узбекистана», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и

¹ Мирзиёев Ш.М. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций// - Ташкент, 2017. Народное слово. № 196 (6860).

пропаганды древних письменных источников» и другие нормативно-правовые акты будут способствовать для выполнения поставленных задач.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие, формирование инновационной экономики демократического и правового государства».

Степень изученности проблемы. Жизненный путь и деятельность Абу Хамида Газзали в определённой степени изучена исследователями Востока и Запада. Проведён общий анализ его философско-теологических, социально-нравственных и педагогических взглядов.

Вся научная литература об учёном-мыслителе, согласно объёму и методу исследования, разделена на четыре группы. Во-первых основные источники характеризующие биографические данные, второстепенные источники о творчестве учёного, диссертационные исследования посвящённые творчеству мыслителя, а также опубликованные монографии посвящённые ему.

К основным биографическим источникам, можно отнести произведения таких авторов, как Ибн Асакир (499-551 г.х), Абулфарадж ибн ал-Джавзи (508-597 г.х), Шамсиддин Абул Аббас Ахмад ибн Халликан (608-681 г.х), Таш Кубразаде (ум. 962 г.х), Муртаза Зубейди (1145-1205 г.х) и др. В своих произведениях средневековые исследователи обратили внимание и проанализировали основные аспекты идейных взглядов Газзали и его жизненный путь.

К первичным источникам можно отнести произведение Ал-Рифаи Ахмад Фарида «Аль-Газзали»¹.

